

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

221 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 29 октябрдаги ПФ–3932-сонли Фармонига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини такомиллаштириш ва мелиорация ишларини молиялаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 29 октябрдаги ПФ–3932-сонли Фармонига қўшимча ва ўзгартишлар иловага мувофиқ киритилсин.

2. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 19 апрель,
ПФ–4533-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги
ПФ–4533-сонли Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 29 октябрдаги ПФ–3932-сонли Фармонига киритиладиган қўшимча ва ўзгартишлар

1. 4-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари доирасида магистрал (вилоятлараро), туманлараро, хўжаликлараро

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

17 (569)-сон

— 37 —

221-222-моддалар

очиқ коллекторлар ва улардаги иншоотларни, ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини, вертикал дренаж қудуқларини, мелиоратив насос станциялар ҳамда кузатув тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш»;

2. 7-бандида:

а) учинчи хатбошидаги «2008 — 2012 йиллар» сўзлари «2008 — 2017 йиллар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) тўртинчи хатбошидаги «беш йил» сўзлари «ўн йил» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) қуйидаги мазмунда бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«2013 — 2017 йиллар мобайнида «Ўзмелиомашлизинг» Давлат лизинг компаниясининг «Мелиомашлизингсервис» шўъба корхонаси Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган товарлар, мелиорация техникасига, машина ва механизмларга техник ҳамда сервис хизмати кўрсатиш учун харид қилинадиган эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар учун бож тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинади».